


“РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раисининг  
ўринбосари  
Б.Э.Захидов   
“30” айуси 2019 йил  
№ DS-37-0270 - сар.

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
Чет эл капитали иштирокидаги  
“Hamkorbank” акциядорлик тижорат  
банки 2019 йил 06-июл кунги  
Кенгаш маъжлисининг 19-сонли баёни  
Кенгаш Раиси   
И.И.Ибрагимов 

Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банкининг юридик шахслар учун депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш

Шартлари  
24-чиқарилиш

Мазкур шартлар Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 24 сентябрда 1859-сон билан рўйхатга олинган “Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида”ги Низоми асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банкининг депозит сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлишини тартибга солади.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банки (кейинги матнларда “банк” деб номланади) депозит сертификати (кейинги матнларда “сертификат”) - банкка қўйилган депозит суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) депозит (омонат) суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банқдан ёки банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз ҳисобланади.

Цессия - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиши.

Цедент - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечётган томон.

Цессионарий - сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини олаётган томон.

1.2. Сертификатлар бланкалар тарзида хужожатли шаклда чиқарилади.

1.3. Сертификатни товарлар олди-сотдиси ёки кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун ҳисоб-китоб қилишда тўлов воситаси сифатида қўллаш мумкин эмас.

1.4. Сертификатларнинг олди-сотдиси ва улар бўйича суммаларни тўлашга доир пуллик ҳисоб-китоблар нақдсиз шаклда амалга оширилади.

1.5. Сертификатларнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

1.6. Сертификатлар 390 кундан 1080 кунгача бўлган муддатга чиқарилади.

## **II. СЕРТИФИКАТ БЛАНКАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

2.1. Сертификат бланкаларида қўйидаги мазмундаги мажбурий реквизитлар бўлиши лозим:

- а) “депозит сертификати” номи;
- б) сертификат рақами ва серияси;
- в) депозит қўйилган сана;
- г) сертификат бўйича суммани талаб қилиб олиш санаси;
- д) сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори (рақамлар ва сўзлар билан);
- е) банкнинг депозитга қўйилган суммани қайтариш ва тегишли фоизларни тўлаш юзасидан мажбурияти;
- ж) депозитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси;
- з) тўланиши лозим бўлган фоиз суммаси (рақамлар ва сўзлар билан);
- и) эмитент банкнинг номи, жойлашган манзили;
- к) депозит сертификатида омонатчи - юридик шахснинг номи ва жойлашган манзили;
- л) банк томонидан сертификатни имзолаш ҳукуки берилган икки нафар мансабдор шахснинг банк муҳри билан тасдиқланган имзолари.

Сертификат бланкасининг матнида юқорида кўрсатилган мажбурий реквизитлардан бири кўрсатилмаган тақдирда сертификат ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

2.2. Сертификатда цессия сертификат бланкасининг орқа томонида расмийлаштирилади. Агар цессияни расмийлаштириш учун қўшимча варақлар талаб этилса, унда сертификатнинг иловалари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу иловалар сертификат сақловчининг талаби билан сертификатни муомалага чиқарувчи банк томонидан расмийлаштирилади.

Сертификатнинг иловалари рақамланган, сертификат бланкасига тикилган ва сертификатни имзолаш ҳукуки берилган икки нафар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ҳамда банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

2.3. Сертификат бланкасида сертификатни чиқариш ва унинг муомалада бўлиш шартлари (бундан буён матнида чиқарилиш шартлари деб юритилади), шу жумладан

цессияни расмийлаштириш ҳамда сертификат йўқотилганда уни қайта тиклаш тартиби акс эттирилган бўлиши лозим.

2.4. Сертификат бланкаси банк томонидан қўлда шарикли ручкада, ёзув машинкасида ёки компьютернинг ёзув мосламасида (принтерида) тўлдирилади.

Сертификат билан расмийлаштирилган депозит миқдори рақамлар ва сўзлар билан ёзилади.

Сертификатнинг рақамда ёзилган қийматидан олдин ва кейинги бўш жойлар, шунингдек номиналнинг сўзда ёзилган қийматидан кейин қолган бўш жойлар икки параллел чизиқ тортиш йўли билан тўлдириб қўйилиши керак. Сўзлар билан ёзилган ҳамда рақамлар билан белгиланган суммалар ўртасида фарқ бўлган тақдирда сўзлар билан ёзилган сумма ҳақиқий ҳисобланади.

2.5. Сертификатда имзо ва банк муҳрларини босмахона усулида қўйиш тақиқланади.

2.6. Сертификатни беришда банк сертификат корешогидаги барча реквизитларни тўлдиради. Сертификат корешоги сертификат эгаси ёки унинг қонун ҳужжатларига биноан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлган ваколатли шахси томонидан имзоланади, сертификатдан ажратилади ва банк кассасида сақланади.

2.7. Сертификат сакловчининг вакили депозит сертификатини олиш учун ишончномага эга бўлиши лозим, ишончнома депозит сертификати корешоги билан бирга банк кассасида сақланади.

2.8. Банк томонидан сертификатни тўлдиришда тузатиш ва ўчиришларга йўл қўйилмайди.

2.9. Сертификат бланкасини омонатчига беришда тўғри расмийлаштириш ва тўлдириш учун жавобгарлик банк зиммасига юклатилади.

2.10. Сертификат бланкалари, шунингдек сертификатларга қўшимча вараклар (иловалар) фақат қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган “Давлат белгиси” ДИЧБ Тошкент босма фабрикаси томонидан тайёрланади. Сертификатга қўшимча вараклар (иловалар) сертификат бланкаси билан бир вақтда тайёрланади.

2.11. Сертификат бланкалари “Қимматли қоғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида”ти (рўйхат рақами 1312, 2004 йил 17 феврал) низом талабларига мувофиқ тайёрланади.

### **III. СЕРТИФИКАТЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Депозит сертификати бўйича цессия фақат юридик шахсга ўтказилиши мумкин.

3.2. Цессия сертификатнинг орқа томонида ёки қўшимча варакларда (иловалар) цедент ва цессионарийнинг икки томонлама битими билан расмийлаштирилади.

Сертификат бўйича цессия ҳар бир томондан шу каби битимларни амалга ошириш учун юридик шахс томонидан ваколат берилган икки нафар шахс томонидан имзоланади ва юридик шахсларнинг муҳрлари (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади.

### 3.3. Сертификатлар қўйидаги миқдор ва хажмларда чиқарилади:

Қиймати	Миқдори	Хажми
50.000.000 (Эллик миллион) сўм	20 (Йигирма) дона	1.000.000.000 (Бир миллиард) сўм
100.000.000 (Бир юз миллион) сўм	50 (Эллик) дона	5.000.000.000 (Беш миллиард) сўм
200.000.000 (Икки юз миллион) сўм	100 (Бир юз) дона	20.000.000.000 (Йигирма миллиард) сўм
500.000.000 (Беш юз миллион) сўм	8 (Саккиз) дона	4.000.000.000 (Тўрт миллиард) сўм
	<b>178 (Бир юз етмиш саккиз) дона</b>	<b>30.000.000.000 (Ўттиз миллиард) сўм</b>

3.4. Воз кечиш тўғрисидаги ҳар бир шартнома цедент томонидан рақамланади.

Цессияни расмийлаштириш узлуксиз бўлиши шарт.

3.5. Цессия сертификат муомалада бўлган даврдагина амалга оширилиши мумкин.

Цессия амалга оширилгандан кейин сертификатни сотиб олган шахс “Цессионарий” бу ҳақида (банк томонидан сертификат бўйича тўланадиган фоизларни тўлаш учун ўз ҳисоб варагини кўрсатган ҳолда) банкни 3 (уч) банк иш куни давомида хабардор қилиши шарт.

3.6. Депозит сертификати цессиясини расмийлаштиришда йўл қўйилган хатолар тузатилганда у тузатиш киритилган сана кўрсатилган ҳолда “тузатилди” ёзуви билан тасдиқланиши ҳамда цедент ва цессионарий томонидан имзоланиши ва муҳрланиши шарт.

3.7. Цессия расмийлаштирилганда сертификат корешогига ўзгартиришлар киритилмайди.

3.8. Сертификатни муомала муддати яқунланганида унинг эгаси банкка сертификатни ва ушбу сертификатни сўндириш тўғрисидаги аризани тақдим этади. Банк мазкур аризага асосан сертификатда белгиланган омонат суммасига ҳисобланган фоизларни тўланмаган қисмини қўшган ҳолда 2 (икки) банк иш куни ичida омонатчини асосий талаб қилиб олингунча ҳисоб варагига тўловни амалга оширади.

3.9. Сертификат сақловчиси томонидан банкка тұлаб бериш учун тақдим этилган сертификаттарда цессиялар мавжуд бўлса, банк цессияларнинг расмийлаштирилиши ва узлуксизлигини текширади. Бунда депозит сертификатлари бўйича — охирги цессияда қайд этилган цессионарий ваколатли шахсининг имзоси, номи ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) сертификат тұлаб берилиши ҳақидаги аризада ваколатли шахс имзоси, юридик шахснинг номи, муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) мос келмаган тақдирда, сертификат сақловчиси томонидан сертификат суммасини талаб қилиб олиш хуқуқини тасдиқловчи ҳужжат(лар) тақдим этилиши лозим.

Сертификат сақловчиси томонидан тақдим этилган сертификат суммаси бўйича талаб қилиб олиш хуқуқини тасдиқловчи ҳужжат(лар) ёки унинг нусхаси банк томонидан тұлаб берилган сертификатга қўшиб тикиб қўйилади.

Агар сертификат бўйича депозитни (омонатни) олиш муддати депозит сақловчиси томонидан ўтказиб юборилган бўлса, у холда банк сертификатда белгиланган депозит суммаси ва хисобланган фоизларни сертификат эгасининг талабига кўра тўлашга мажбурдир. Сертификат суммасини талаб қилиш кунидан ҳақиқатда сертификатни тўлов учун тақдим этиш кунигача бўлган муддат учун фоизлар, талаб қилиб олингунча омонатлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдорида тўланади.

3.10. Сертификатлар олди-сотди, ҳадя килиш, мерос қилиб олиш, устав фондига киритиш ва эгаси алмашинувига олиб келадиган бошқа битимларда, шунингдек гаровда битим объекти бўлиши мумкин.

Сертификат эгаси бевосита банқдан ёки бошқа банклардан кредит ажратилишида сертификатлардан гаров таъминоти сифатида фойдаланишга ҳақли.

3.11. Сертификатдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мумкин. Бунда қимматли қофозларнинг уюшган савдосида сертификатларга доир битимларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш уларни ёзма равишда (қофозда) расмийлаштириш заруратисиз электрон шаклда амалга оширилади. Сертификатларга доир бошқа битимлар ёзма шаклда тузилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

#### **IV. СЕРТИФИКАТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ**

4.1. Сертификатлар қўйидаги муддатларга ва фоизларда чиқарилади.

<b>№</b>	<b>Муддатлари</b>	<b>Фоизлари</b>
1	390 кунлик	16,0 фоиз
2	540 кунлик	16,0 фоиз
3	720 кунлик	16,25 фоиз
4	900 кунлик	16,25 фоиз
5	1080 кунлик	16,5 фоиз

4.2. Сертификат бўйича фоизларни ҳисоблаш “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги низомга (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь) мувофиқ амалга оширилади.

4.2.1. Сертификат бўйича фоизлар ҳар ой учун кейинги ойнинг 5-санасига қадар тўланади. Агар ушбу сана дам олиш кунига тўғри келадиган бўлса, фоизлар кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда тўланади.

Сертификат бўйича фоизлар омонатчининг сертификатни ушлаб турган кунига ҳисобланиб тўлаб берилади.

4.2.2. Сертификатлар бўйича фоизлар сертификат берилган санадан бошлаб сўндириш санасигача бўлган муддатга ҳисобланади. Сертификатнинг муомала муддати тугагандан кейинги кунлар учун сертификатда белгиланган фоизни шунингдек, талаб қилиб олингунча омонатлар бўйича фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

4.2.3. Сертификат бўйича олинаётган даромадни солиқка тортиш амалдаги қонунчилик хужжатлари асосида амалга оширилади.

4.3. Банк сертификатни бериш вақтида шартлашилган ва сертификатда белгиланган фоиз ставкасини бир томонлама ўзгартиришга (камайтириши ёки кўпайтириши) ҳақли эмас.

4.4. Сертификатни бериш вақтида белгиланган ва муомала муддати тугаганидан сўнг (сертификат эгаси сертификат бўйича депозитини талаб қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритганда) сертификат эгасига тўланиши лозим бўлган фоизлар мазкур сертификат сотиб олинган вақтдан қатъи назар, банк томонидан тўланади.

4.5. Банк чиқарилиш шартларида сертификатларни муддатидан олдин тўловга тақдим этиш имкониятини назарда тутиши мумкин.

4.6. Сертификат сақловчisi сертификатни муддати тугагунга қадар ёхуд сертификатда кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Сертификат сақловчisi сертификатни сўндириш муддатидан олдин қайтариши қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) сотиб олган санасидан 540 кунгacha бўлган даврда сертификатни муддатидан олдин сўндириш талаб қилса, амалда бўлган муддати учун йиллик 2 фоиз миқдорида тўлайди;

б) сотиб олган санасидан 540 кундан юқори бўлган даврда сертификатни муддатидан олдин сўндиришни талаб қилса амалда бўлган муддати учун йиллик 10 фоиз миқдорида тўлайди.

Бунда депозит сертификат учун аввал ўтказилган фоизлар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, депозит ҳисоб рақамдаги пул маблағларидан ушлаб қолинади.

4.7. Сертификатлар банк ташабbusи билан қонун хужжатларида белгиланган ҳолатларда муддатидан олдин тўловга тақдим этилганида, банк томонидан депозит (омонат) суммасига сертификатнинг амалда бўлган муддати учун сертификатда белгиланган фоиз ставкаси бўйича фоизлар тўлайди. Бунда, банк сертификатларнинг

муддатидан олдин тўловга тақдим этилиши ва уларни тўловга тақдим этиш шартлари тўғрисида камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериши лозим.

## V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

5.1. Депозит сертификатларининг корешокларини, сертификат бланкаларини ва сертификатларнинг қўшимча варақларини (иловаларини) сақлаш, шунингдек сертификат бланкаларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда сертификатлар билан боғлиқ амалиётлар банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.2. Йўқотилган сертификатлар бўйича ҳуқуқлар банк томонидан қайта тикланади.

5.3. Сертификат йўқотилганда сертификат сақловчиси унинг дубликатини беришни сўраб банкка ёзма равишда ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир.

5.3.1. Сертификат йўқолганилиги аниқланганда сертификат сақловчиси бу ҳақда ариза тақдим қилиш орқали банкни хабардор қилиши шарт. Ариза банкка тақдим этилган санадан бошлаб 10 кун ичida кўриб чиқилади. Ариза банкнинг маҳсус журналида қайд этилади, ушбу журнал рақамланган, тикилган ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

5.4. Ариза сертификатнинг корешоги билан бирга сақланади. Аризада сертификат расмийлаштирилган сана, сертификат рақами, сертификат банкнинг қайси бўлими орқали берилганлиги, кимнинг номига расмийлаштирилганлиги (юридик шахснинг номи) ва қанча миқдордалиги кўrsатилади.

Ариза ва бошқа зарур ҳужжатлар банк Бошқаруви ташкил этган маҳсус комиссия томонидан кўриб чиқилгандан сўнг ва ариза бўйича ижобий қарор қабул қилинганидан кейин банк йўқолган сертификат бўйича тўловларни амалга оширади ёки аризачига сертификат дубликатини беради.

5.5. Сертификатга оид ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли қарори билан тасдиқланган «Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ ошкор қилинади.